O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 10 декабрь, № 238 (4648) Чоршанба

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст мамлакатингиз халқига равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийларига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига муттасил тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,**
**Иордания Подшоҳи.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига ва ислом умматига равнақ ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Ишончим комилки, икки томонлама Қозоғистон-Ўзбекистон алоқалари бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб бораверади.

Ушбу табаррук айёмда Сизга сиҳат-саломатлик, давлат бошқаруви ишларингиздаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Юксак маънавий қадриятлар, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик мужассам бўлган муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва сиз орқали бутун Ўзбекистон мусулмонларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий тилакларим — узоқ умр, бахт-саодат, омад, мамлакатингизнинг дўст халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Қодир Аллоҳдан Сизга ва бутун мусулмон умматига халқларимизни тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик йўлидан боришида мададкор бўлишини тилаб қоламан. Яратган Сизнинг барча бошлаган ва олиб бораётган эзгу фаолиятингизга мададкор бўлсин.

Чуқур эҳтиром ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАММЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини муборак Қурбон ҳайити билан чин юракдан самимий табриклаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Давлатларимиз ва халқларимиз равнақи, фаровонлиги ҳамда келгусида икки томонлама ҳамкорлигимизнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига умид қилган ҳолда Яратгандан Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

**Имомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноблари, азиз қардошим,

Қурбон байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб, яна бир бор энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

**Абдуллоҳ ГУЛ,**
**Туркия Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва Ўзбекистон Республикаси мусулмонларини қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ислом динининг улуғ байрами меҳр-оқибат, сабр-тоқат ва адолат каби юксак ғоя ва қадриятларни ўзида мужассам этган. У жамиятнинг маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади, инсонпарварлик ва ҳамфикрлик, хайрли ишларга интилиш каби юксак меъёрларнинг қарор топишига хизмат қилади.

Ушбу мунаввар байрам кунлари Сиз ва дўст Ўзбекистон халқига мустаҳкам соғлиқ, эсон-омонлик, бахт-саодат тилаб қоламан.

**Муртазо РАҲИМОВ,**
**Бошқирдистон Республикаси Президенти.**

### Бугун — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун



## ҚАДР-ҚИММАТ ТАНТАНАСИ

***Мамлакатимизда кенг миқёсли демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши, қатор ижтимоий давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши шахс камолоти ва фуқароларнинг, биринчи навбатда, болалар, аёллар ҳамда ёшларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Зеро, ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдир. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган демократик янгиланишларнинг моҳияти, фалсафасини юксак қадрлайди. Бунда, албатта, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаати учун деган эзгу тамойил асос бўлиб хизмат қилаётир.***

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича изчил олиб борилаётган тадбирлар тизимида алоҳида ўринга эга. Зеро, мазкур Фармон қонун ҳужжатлари мониторингини такомиллаштириш, Декларация қоидаларини кенг тарғиб этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг кўламли тадбирларни кўзда тутади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш соҳасида қонунчилик, институционал, таълим ва мониторинг бўйича яхлит тизим шакллантирилди. Мамлакатимизнинг бу борадаги қонунчилик базаси халқаро андозаларга тўла мос келади ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, бошқа халқаро шартномаларнинг қоидаларини самарали бажариш учун зарур имкониятларни яратади.

(Давоми 2-бетда).

## ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУАЗЗАМ САДОСИ

### 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Давлат рамзлари шу юрт тарихи ва келажаги, анъаналари, қадриятлари, қудрати ва салоҳияти тимсолларидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ана шундай рамз сифатида Ватанимиз озодлиги, юртимиз тароввати, халқимиз фаровонлиги ва эзгу орзулари ифодасидир.

Халқимиз ҳар бир янги кунни шу азиз қўшиқ билан кутиб олади. Бу муаззам садо азму шижоатли халқимизнинг руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига даъват этади.

Мадҳиямизнинг матни ва мусиқаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз жаҳон узра мустақил Ўзбекистоннинг ҳур овози сифатида янграб келмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов жаҳоннинг турли давлатларига расмий ташриф буюрганида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганида, мамлакатимизга келган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида мадҳиямиз садолари янграйди.

Юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шукуҳли тарона жаранглаганида, қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади.

Бу улуғвор қасидани тинглаганда, куйлаганда беихтиёр қалбимиздаги энг жўшқин, умидбахш туйғулар жунбушга келади. Кўз олдимизда эзгу ниятлари ўзига эш халқимиз, она Ватанимизнинг тароввати, бой тарихи, саодатли бугуни ва буюк келажаги намоён бўлади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, униб-ўсиб келаётган авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда мадҳия алоҳида ўрин тутади.

Юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз бугун таълим масканларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга хизмат қилмоқда. Энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз миллатимизнинг бош қўшиғини куйлай бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Бундай лаҳзаларда халқ ва Ватан улуғланган қўшиқ инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этишига, бу ёруғ оламни янада мунаввар кўрсатадиган илоҳий мўъжиза эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Юртнинг энг улуғ қўшиғини эъзозлаш, ёд олиш ва баралла куйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

Шукурки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, тотувлик ва иноқлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётир. Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, обрў-эътибори ҳам тобора юксалмоқда. Энг муҳими, озод юртимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандлари келажакка қатъий ишонч билан, юксак марралар сари дадил одимламоқда.

Демак, истиқлолимизни, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимизнинг шон-шуҳрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйверади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## ҚИШЛОҚ РАВНАҚ ТОПСА, МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАДИ

***Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанада Юртбошимиз келаётган янги йилимизни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилдиларки, бу хабар барча юртдошларимиз қатори мени ҳам, бир қишлоқ зиёлиси сифатида бениҳоя қувонтирди.***

▼ **Дил сўзи**

Мустақиллик даврида қишлоқ ҳаётида ва қишлоқ аҳли тақдирида буюк ўзгаришлар юз берди. Аввало, фермерлик тизимига ўтилганлиги боис қишлоқ кишиларининг ерга, меҳнатга муносабати тамомила ўзгарди. Қишлоқдаги меҳнат шахсий манфаатдорлик, фаровонлик, бахту саодат манбаига айланди. Қишлоқда тиббий хизмат замон талаблари даражасига кўтарилмоқда. Ёки яна бир катта ўзгариш: қишлоқ ўқитувчиси сифатида айтадиган бўлсам, бугун қишлоқ болалари фан олимпиадаларида, халқаро спорт мусобақаларида Ватан шарафини ҳимоя қилишда шаҳарликлардан асло қолишмаяпти. Ўтаётган Ёшлар йилида ҳам ёшларимиз Президент ва давлат томонидан мислсиз улкан эътибор ва ғамхўрликларга сазовор бўлдилар.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да эса, қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқлари — табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланиш, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизмати тубдан ривожлантирилади, қишлоққа саноат, хизмат ва сервис шахобчаларини олиб кириш фаоллашади, ихчам ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналари кўпаяди, фермерлик ҳаракати янада кенг кўламда қўллаб-қувватланади, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш долзарб вазифаларга айланади. Ниҳоят, қишлоқда тиббий хизмат, таълимнинг сифати ва моддий базасини кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар янги босқичга кўтарилади...

Хуллас, 2009 йил қишлоқлар ободонлигини оширишда ва фаровонлигини таъминлашда ўзгача юксалиш босқичи бўлади ва давлат миқёсида барча эътибор, беҳад катта ҳажмдаги маблағ, пировардида улкан кўламдаги қизғин меҳнат шу эзгу мақсадларга қаратилади.

Қишлоқларимиз равнақ топаверсин. Қишлоқ ривожланса, Президентимиз таъкидлаганларидай, юртимиз янада ободликка юз тутади. Ҳаётимиз тобора фаровонлашиб боради. Ахир бу ҳаммамизнинг эзгу орзуимиз эмасми?!

**Зиёдулло ТУРСУНОВ,**
**Яккабоғ туманидаги Низомий Ганжавий номли ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

***"Korean Air" авиакомпанияси раиси Чо Янг Хо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.***

▼ **Ҳамкорлик**

Учрашувларда мамлакатларимиз ўртасида авиация соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига ташрифи чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан "Korean Air" ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат икки авиакомпаниянинг жаҳоннинг янги бозорларидан жой олиш, Ўзбекистон логистика инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

"Korean Air" делегациясининг ташрифи асносида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан мазкур компания ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

**(ЎзА).**

## ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ ТУШУМЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2008 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан***



**38,8**

**фоиз ортди.**



Ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантириш мақсадида солиқ юкини ва маъмурий таъсирни камайтириш ҳисобига шундай натижага эришилди.

▼ **Анжуман**

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги муносабати билан "Экосан" халқаро ташкилоти ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида "Ҳуқуқ, экология, саломатлик" мавзуида анжуман ўтказилди.***

## Экология ва саломатлик кафолати

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз Конституцияси фуқаролар саломатлиги ва экологик хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолатидир. Зеро, бугунги кунда Бош Қомусимиз тамойилларига мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ислоҳоти амалга оширилмоқда, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мавжудлари такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда экология ва атроф-муҳитга таалуқли қонунчилик борасида, айниқса, ёшларнинг билимини ошириш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

**М. АНВАРОВА.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қўшимча маблағ ажратилди

***Ҳиндистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш учун қарийб 200 миллиард рупий (4 миллиард АҚШ доллари) ажратишга қарор қилди, дейилади «BBC News» ахборотида.***



Манбада келтирилишича, ҳукумат ушбу маблағ орқали бюджет харажатларини қисқартиришга эришмоқчи. Бундан ташқари, аҳолидан олинадиган даромад солиғининг тўрт фоизгача камайтирилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоиз, жорий йилнинг сентябрь ойида ҳам Ҳиндистон захира банки мамлакатдаги молия муассасаларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 60 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратганди.

## Зимдан қилинган ўғирлик

***Россиядаги «Эрмитаж» музейидан бир неча юзга яқин қимматбаҳо экспонатлар ўғирлаб кетилган.***

Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

— Ўғирлик музейимизнинг 1,2 миллионга яқин экспонатини қайта рўйхатдан ўтказиш вақтида маълум бўлди, — дейди музей директори Михаил Пиотровский.

Таъкидланишича, ўғирланган буюмлар, асосан, ўтган асрнинг 40-, 50- йилларига мансуб бўлиб, айни пайтда уларни қидириш ишлари олиб борилмоқда.

## Бевақт тўхташ оқибати

***АҚШнинг Сент-Луис шаҳри яқинида «Amtrak» темирйўл компаниясига тегишли йўловчи поезди юк машинаси билан тўқнашиб кетди, дея маълум қилди «Associated Press» ахборот агентлиги.***



Ҳалокатнинг келиб чиқишига юк машинасининг темир йўлдан ўтиш вақтида тўхтаб қолгани сабаб бўлган. «Amtrak» компанияси вакили ушбу ҳодиса оқибатида ўнга яқин одам тан жароҳати олганини, поезднинг тўртта вагони жиддий талафот кўрганини таъкидлади. Автоулов ҳайдовчисининг тақдири ҳақида эса бирор гап йўқ.

## Кенг қамровли ҳаракат бошланди



Покистон ҳарбий кучлари мамлакат ҳудудида жойлашиб олган, Мумбай шаҳрида қўпорувчилик ҳаракатларини содир этишда айбланаётган «Лашкар-и-Тайба» гуруҳи жангариларига қарши кенг қамровли ҳаракат бошлади, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

Ҳарбийлар гуруҳ қароргоҳини ишғол қилишган. Манбаларга кўра, қўлга олинганлар орасида «Лашкар-и-Тайба» раҳбарларидан бири Заки-ур-Рехман Лахви ҳам бор. Айнан шу жиноятчи Мумбай воқеалари ташкилотчиси, дея ҳисобланмоқда.

## Шартнома бекор бўлади

***Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Япониянинг «Sony Corp» компанияси саккиз минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи.***



«Reuters» ахборот агентлигининг маълум қилишича, компания шу йўл орқали 100 миллиард иена (1,1 миллиард АҚШ доллари)ни тежаб қолишни кўзламоқда.

Компания бироз аввал ортиқча харажатларга йўл қўймаслик мақсадида қатор корхоналар фаолиятини тўхтатганди.

## Эллик йилда келган бахт



***Ҳиндистонлик Ражо Деви исмли аёл етмиш ёшида фарзандли бўлди.***

«AFP» хабарида айтилишича, Ражо Деви Бала Рамга турмушга чиққанига эллик йил бўлганига қарамай тирноққа зор эди. Харьяна штатидаги Хисар шифохонасида олинган муолажалардан сўнг Деви яқинда қизли бўлди. Шифокор Анураг Бишноининг таъкидлашича, она ва бола ўзини яхши ҳис қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Деви хоним етмиш ёшида фарзанд кўрган дунёдаги иккинчи аёл бўлди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРАДИ

***Жорий йил кўклами чорвадор учун анча мураккаб келди. Ёғингарчилик камлиги боис яйловларда ўт-ўланлар ҳар йилгидек барқ уриб ўсмади. Табиатнинг бундай инжиқликларига чўпон биринчи бор дуч келаётгани йўқ. У ҳар қандай шароитда ҳам қўй-қўзисини асраб қолишга, мураккаб аҳволни енгиб ўтишга ҳаракат қилади.***

Зотан, чўпоннинг муаммоси бизнинг ҳам муаммомиз: илмий фаолиятимиз мамлакатимиз ҳудудининг 52 фоизини эгаллаган 17,5 миллион гектардан иборат паст ва ўта паст маҳсулдор чўл чорвачилиги технологиясини ишлаб чиқаришга йўналтирилган.

Қоракўлчилик — бевосита чўл билан боғлиқ тармоқ. Шу боис, чўлда чорвачиликни ривожлантириш, наслчилик ишларини яхшилаш, яйловларни маданийлаштириш тақозо этилади.

Институтимиз жамоаси бугунги кунда қоракўлчилик муаммолари бўйича, қоракўл қўй, эчки ва туя зотлари соҳасида селекция ва наслчилик ишлари ҳамда чўл ва чала чўл ҳудудларидаги янги озуқа ўсимликлари учун селекция маркази ҳисобланади. Шу билан бирга, у Ўзбекистон чўллари ва чала чўллари экологик мувозанатини ўрганиш ва сақлаш маркази ҳамдир.

Шу маънода, яйлов чорвачилиги соҳасида қишлоқ хўжалик фанларини ривожлантириш, қоракўл қўйлари, эчкилар ва туяларнинг сермаҳсул зотлари, чўл озуқа ўсимликлари навларини яратиш институт олимларининг энг муҳим вазифаларидан саналади.

### Қоракўлчилик

Чўл ҳайвонлари селекцияси, уларни урчитиш ва қайта урчитиш йўналишида қоракўл қўйларининг жами 25 та, кейинги ўн йилликда 5 та юқори маҳсулдор завод типи, туяларнинг Қизилқум шароитига мослашган селекцион подаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни пайтда эса, эчкиларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилаяпти.

Адир (чўл) озуқаси ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар эса чўл ўсимликларининг экологик-биологик хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Натижада, 10 та юқори маҳсулдор ўсимлик нави яратилиб, чўл ҳудудларида районлаштирилди. Ўсимликнинг афзаллиги унинг бутасимонлигида, йилнинг 9-10 ойида табиий ҳолатини йўқотмаслигида экан. Жумладан, «Атриплекс" энига ҳам, бўйига ҳам 1-1,5 метргача ўсиш хусусиятига эга. Тўйимлилик даражасининг юқорилиги эса унинг барги кўплиги билан изоҳланади.

Айни пайтда институтимиз олимлари тажриба участкаларида чўл яйловлари учун бебаҳо ҳисобланган эркак ўт, чогон, изень, шувоқ каби ўсимликларнинг янги навларини яратиш устида илмий иш олиб боришаяпти. Улар серҳосиллиги билан яйловлардаги бугунги гиёҳлардан анча фарқ қилади.

Аслида, қоракўлчиликда азалдан яйлов муаммоси мавжуд. Чунки чорва моллари сони кўп. Аҳоли пунктларидан анча олис яйловларда эса қўй-қўзилар кам. Аммо икки ҳолда ҳам ўсимликлар муаммоси пайдо бўлаяпти. Чорва меъёридан ортиқ жойларда яйлов оёқости бўлаётган бўлса, узоқ яйловларда ўту гиёҳлар еймлмаганлиги учун ҳам ривожланмай қолаяпти.

Ана шу муаммоларни ҳал этиш борасида олимларимиз жиддий изланмоқдалар. Бу ҳаракатлар мамлакатимизда қоракўлчиликни янада ривожлантиришга хизмат қилади, албатта.

**Суръат ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори.**

***Тахтакўпир тумани Бандликка кўмаклашиш марказининг "2008 йилда аҳолини иш билан таъминлаш, ўзаро рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш дастури"га кўра жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 677 та янги иш ўрни ташкил этилди.***

## Ёшларга янги иш ўринлари

Шундан 268 таси хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Туманда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни ҳам ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, 2007-2008 ўқув йилида тумандаги мавжуд 2 та касб-ҳунар коллежини тугатган 474 нафар ўқувчининг 454 нафари ишга жойлаштирилди.

— Ўтган 9 ойда уч марта меҳнат ярмаркаси ўтказдик, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори Ж. Бектемиров. — Уларда 140 та корхона ва ташкилот 483 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. 326 фуқаро ишга жойлаштирилди. Шунингдек, касаначилар учун 179 та иш ўрни яратилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

АҚШ долларидаги қуйидаги янги муддатли банк омонатлари жорий этилишини маълум қилади:

«ХОЛИС»

- *Амал қилиш муддати — **30 кун,** фоиз ставкаси — **йилига 7,5%.***
- *Омонат бўйича фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг омонатчининг истагига кўра АҚШ долларида ёки Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.*
- *Дастлабки бадал миқдори чекланмаган.*
- *Қўшимча бадаллар киритиш мумкин.*

«ЛЮКС»

- *Амал қилиш муддати — **45 кун,** фоиз ставкаси — **йилига 8%.***
- *Омонат бўйича фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг омонатчининг истагига кўра АҚШ долларида ёки Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.*
- *Дастлабки бадал миқдори чекланмаган.*
- *Қўшимча бадаллар киритиш мумкин.*

Хизматлар лицензияланган

Омонатга пул маблағлари 2008 йил 31 декабрга қадар қабул қилинади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар: 235-42-83, 234-14-14 ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин. www.nbu.com

1825Н/1755



ООО "Росагропромснаб" предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 365 000 сум.



открытое акционерное общество ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
| --- | --- | --- | --- |
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Адрес: г. Ташкент, Чилонзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

New Holland TL 5060

*Қуввати — 100 от кучига эга.*



Кафолат — 1 йил.
Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.



Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.



ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

товар сертифицирован
форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА

(унитазы , умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127

zakamsk-group@mail.ru


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Э. Ибрагимовга отаси

**Фозилжон ота ИБРАГИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси собиқ вазир ўринбосари Муртазо Султоновга акаси

**Саиданвар СУЛТОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган урология маркази директорининг ўринбосари Шуҳрат Мухторовга отаси

**Турсун МУХТОРОВнинг**

вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карим Мирҳодиевга падари бузруквори

**ҲУСАН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти жамоаси қон қуйиш станцияси бош шифокори Холида Ғаниевага акаси

**Ғайрат ХОЛМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

